



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 22 март чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 56 (2353)

**Наврўзи олам ўз
моҳияти, ўз руҳи,
ўз нафаси билан
Халқимизнинг
олижаноб қалбини,
унинг асл табиатини
ифода этади**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ҚАЛБДА ҚУЁШ ПОРЛАГАН КУН



ПРЕЗИДЕНТ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун бизнинг саховатли, бетақдор ва гузал заминимизда катта байрам, улуг шодиёна.

Баҳор ва уйғониш, янгиланиш ва эзгулик, меҳр-муҳаббат, кадр-оқибат, хайру саховат рамзи — Наврўзи олам кутлуг қадами билан юртимизга кириб келмоқда.

Кўхна тарихимиз, қадим маданиятимиз, миллий ўзлигимизнинг муҳассам тисоли бўлиши, инсон руҳини ва қалбини янгилайдиган, покиза орзу-хавасларни уйғотадиган, биз ҳамиша мунтазир бўлиб кутадиган мана шу фазилатли айём билан барчангизни чин дилдан муборакбод этаман.

Қадри дўстлар!
Хаёт бор экан, одамзот бор экан, инсон ҳамиша эзгулик, эркинлик ва рўшноликка интилиб яшайди, дунёда яшайлик ва адолат ҳукмрон бўлишини истайди.

Наврўз айёмида одамзот хаёт абадийлигини, умрнинг мазмун-моҳияти, савоб ва эзгу ишларнинг кадр-қиммати, айниқса, теран аниқлайди.

Офтоб ерни қиздириб, кўклар шабадалари эсганда, дараклар куртак оғанда одамнинг юрагига мудраб этган саховат, шафқат, меҳр-оқибат туйғулари уйғонади.

Бева-бечора, муҳтож одамлар ва оилаларга кўмак бериш, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиш, хаёт хузур-халоватларидан уларни баҳраманд қилиш, меҳр-мурувват курсатиш каби эзгу интилишларимиз, уйимиз, маҳалламиз ва юртимизнинг обод этиши айна Наврўз кунларида намён бўлиши халқимизнинг табиатига мосдир.

Янги меҳнат мавсуми бошланганидан бу ажиб дамларда ризқ-рўзимиз бунёдкори — бободехқон яхши ниятлар билан даласига уруғ сочади.

Наврўзи олам кунларида халқимиз ўзининг табиатга яқинлигини, қадрдонлигини янада чуқур ҳис этади, кенг даладар, қир-адирлар, бог-роғлар, яшил йилловлар, тоғлар бағрида сайил-томосшалар ўтказиб, шу кунларга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтади.

Баҳорнинг сумалак, ҳалим каби тансиқ неъматлари тортилган Наврўз дастурхони атрофида ҳамиша қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонларнинг очик кўнгли, ёруғ юз билан жамулжам бўлиши — бизнинг азалий одатимиз.

Муҳтарам юртдошларим!
Бугунги улуг айёмнинг асрлар давомида элимиз учун энг азиз ва ардоқли байрам бўлиб келаятганининг албатта ўз сабаблари бор.

Наврўзи олам ўз моҳияти, ўз руҳи, ўз нафаси билан халқимизнинг олижаноб қалбини, унинг асл табиатини ифода этади.

Шунинг учун ҳам ҳеч қандай куч-на-

рўзни на зўрлик, на алдов билан халқимиз хотирасидан, маънавий ҳаётимиздан ўчира олди.

Наврўз руҳи халқимизнинг бутун дунё билан ҳамжихатликда тинч-тотув яшаш, ҳар қандай зўравонликни рад этиб, эзгу мақсадларни қўлаб-қувватлашга булган олижаноб интилишларида, умуминсоний қадриятларга бағоят уйғун эканида яққол намён бўлади.

Бугунги эркин ва овоз ҳаётимизда Наврўз янгича маъно касб этаётгани, юртимизда яшаётган юздан ортик миллат ва элатларнинг ҳам кутлуг байрамга айланиб, уларнинг иждоқорлик намуналари билан бойиб бораётгани бунинг ёркин далилидир.

Бунинг яна бир тасдиғи — ҳазрат Навоий номи билан аталган мана шу гузал боғимизда, сайил майдонидан ўтказилаётган бугунги тантана ва томошалардир.

Азиз дўстлар!
Мана шу фурсатдан фойдаланиб, Наврўз шодиёнаси ва хурсандчилик байрамини ўтказишга, дилчимизни шод қилишга катта тайёргарлик қўриб келган юртимизнинг ноёб ва бетақдор санъати намояндалари, халқимизнинг сеvimли иждоқор ва ижрочилари, ташкилотчиларга барчамизнинг номи-миздан самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Гузал Фарғона водийсидан, қадим Самарқанду Бухородан, Қорақалпоқ ва Хоразм воҳасидан, Сурхон ва Қашқадарё вилоятларидан, Навоий, Жиззах ва Сирдарёдан, Тошкент вилояти ва пойтахтимиздан, мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келиб, бугунги улуг айёмга фойз бағишлаб ўтирган сиз азиз юртдошларимга, сизлар орқали бутун халқимизга яна бир бор ўзимнинг самимий тилакларим ва иззат-эҳтиромимни билдираман.

Наврўз шодиёнасида иштирок этаётган барча меҳмонларга — хорижий давлатларнинг элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирларига барча халқимиз номидан, уларни бизнинг юртимизга, кўхна урф-одатларимиз ва маданиятимизга билдирган хурмат-эҳтиромимиз учун чин қалбимдан ташаккур изхор этаман.

Кутлуг Наврўз тонгида мен мана шу юксак минбарда туриб, нуруний отахон ва онахонларимизга, мунис описингилларимизга, умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган навқирон ёшларимизга чин қалбимдан айтмоқчиман:

Азиз бошингиз омон, иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқ-насибанингиз доимо бутун бўлсин!

Бугунги баҳор ва шодлик айёмидан ниҳат қилган жамик тилакларингиз рўёбга чқисин!

Хар бир хонадонга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, бахт-саодат ёр бўлсин!
Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Кўклар кўеши она заминимизни меҳр ила иситиб, қалбларга баҳорий кайфият улашади. Ариқларда шарқираб оқаётган сув, қушлар чуғури, далаларни қоплаган яшил майса, атрофга ифор таратаётган гуллар табиатдаги уйғонишдан — Баҳор келганидан нишона. Мана минглаб йиллар ўтибдики, халқимиз учун бу ўзгариш буюк шодиёна — Наврўздан дарак беради. Уйғониш, яшариш, эзгулик айёми Наврўз яна дилларни сурур ва умидга тўдириб юртимизга келди. Байрамона рух бутун овоз ва обод Ватанимиз узра ҳукмрон!

21 март. Соат 10. Мамлакатимиз пойтахтидаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ байрамона безатилган. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари тўплаган.

Тантанана йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло

диган, пок орзу-хавасларни уйғотадиган фазилатли айём билан мамлакатимиз халқини муборакбод этди.

Карнай ва сурнай садолари янграйди. Улар гўё она табиатни қиш уйқусидан уйғотиб, гузал либосга буркаётган фасли баҳор келганидан огоҳ этаётгандек бўлади. Қир-адирда дўстлар даврасидаги лола сайли, ҳовлида майин бўй таратувчи бинафша ёдга келади бу дамба.

Баҳор айёмидида бундай шодиёналар истиқлол тўғрисидаги ўзгаришларни аниқлаб, қадимий байрамлари, минг йиллик анъаналари тикланган, ажодлари руҳини шод қилаётган, фарзандларини баркамол улайтираётган, буюк келажакни бунёд этаётган халқимизга муносиб. Зеро, бу ўлкада ҳар гўша жаннат-монанд, ҳар фасл файзли ва баракали.

Истиқлол йилларида буюк ажодларимизнинг унутилмаган номларини тиклаш, бой меросини асраб-авайлаш ва «чур ўрганиш, ёшларни бу

хар бир сатрида донишмандлик ва фозиллик, иймон ва эътиқод, ахлоқ ва одоб гавҳарлари тизилган. Байрам томошасида Алишер Навоий қаламига мансуб эрк ва озошлик, сабр-қаноат, садоқат ва эътиқод, меҳр ва муҳаббатдан ҳикоя қилувчи «Лисонун-тайр» асарига алоҳида эътибор қаратилган. Асардаги ўттиз қўшининг етти водий хатарларини энгиб ўтиб, Семурғлик макомига эришишининг бош сабаби, аввало улардаги бирлик ва аҳилликда. Бу гоё саҳнада ўзига хос тарзда ифодасини тогган.

Халқимизнинг бирлиги, аҳиллиги ва қийинчиликлар олдидаги сабр-бардорлиги муштақиллик йўлида қанчадан-қанча тўсиқларни мардонавор энгиб, хурлиқни қўлга киритишимизда бош омили бўлди. Бугун ҳам Истиқлолимизга раҳна солаётган, эришаётган ютукларимиз, тараққиётимизни кўра олмаётган қора кучларга қарши курашда асосий қуролимиз бирлик ва ҳамжихатлигимиздир.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда бу йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Бу борада ҳукуматимизнинг махсус дастури қабул қилиниб, мазкур ҳужжат Президентимиз белгилаб берган асосий йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда. Юртимиз келажакни таъминлашга қаратилган мазкур Дастурнинг асосий мақсади — фарзандларимизда маънан, ақдан ва жисмонан қилмиш хислатларини шакллантириш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашдир. Юртбошимиз доимий гавҳарлик курсатаётган болажонларнинг шўх-шодон қўшиқ ва рақслари, бевобор кўлгулари бундай гавҳарликларга берилган муносиб баҳодир. Шу боис ҳам болажонлар энг эзгу тилакларини баҳор даракчилари — турналарга баралла айтдилар, овоз юрда уларнинг ижобат бўлишига ишондилар.

Кун билан тун тенг келадиган Наврўз азалу азалдан баҳорий юмушлар бошланганидан, деҳқон далага кўш чқариб, уруғ сочадиган фурсат бўлган. Ерга барака қадалгани учун ҳам бу кун катта байрамга айланган, сумалаклар қайнатилган, кўпқари пойма каби халқ уйинлари ўтказилган, дорбозлару полволлар томоша кўрсатган, дошқозонда ош дамланган, тўйлар

бошланган. Бугун ҳам бу ўлмас анъаналар амалда: азамат спортчиларимиз юртимиз доврўғини оламга ёймоқда, ўзбек автомобиллари пойгага солинган тулпордек кўзни қувнатмоқда, онахонлар сумалак пишириб, эл-юртга кут-барака тиламоқда, бахтиёр келинчалар ўз халқига ва Йўлбошимизга миннатдорлик билан салом бермоқда. Наврўзнинг юртимизда доим қалбларни қувшиқ нурлантирадиган, юртга ризқ-рўз келтирадиган улуг айём сифатида бунчалар катта тантана билан нишонланганининг сабаби шунда.

Мамлакатимизда тинч ва тотув яшаётган турли миллат вакиллари учун Наврўз айни пайтда дўстлик байрами ҳамдир. Зеро, юртимиздаги осойишталик ва барқарорлик уларнинг бунёдқорона меҳнати, фаровон ҳаёти учун имкон яратмоқда.

Умумхалқ байрами серқувёш Ўзбекистонимизнинг ҳар бир вилоятида ўзига хос тарзда нишонланади. Анъанага мувофиқ, Миллий боғда-

отлар қурилмоқда, текис ва равон йўллар бунёд этилмоқда, кенг миқёсдаги ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Сурхондарёлик санъаткорлар барча вилоят аҳли номидан овоз насимларга етган Термизнинг тўйи учун Юртбошимизга миннатдорлик изхор этадилар.

Театрлаштирилган байрам томошаси машҳур эстрада хонадаларининг Наврўз, баҳор ва муҳаббат ҳақидаги кўшиқлари билан яқунланади. Бу бежиз эмас. Зеро, инсон учун баҳор, аввало, муҳаббат демокдир. Бу улуг айёмда она-Ватанга муҳаббат тўйғуси барчамизни бирлаштирувчи, келажак сари етакловчи улуг кўч эканлигини яна бир бор теран ҳис қиламиз.

Байрам томошаларидан сўнг Президент Исло Каримов оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатлади. Юртбошимиз, аввало, байрам томошаси юксак савияда ўтганини таъкидлаб, унинг



Каримовни давомли қарсақлар билан қаршилайди.

Президент Исло Каримов, Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Уткир Султонов, Тошкент шаҳри ҳокими Қозим Тўлаганов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари марказий минбардан жой олади.

Чорлов мусиқаси янграб, байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов табрик нутқи сўзлади.

Юртбошимиз қадим тарихимиз ва маданиятимиз, миллий ўзлигимиз тисоли бўлган, инсон руҳи ва қалбини янгилай-



маънавий ҳазинадан кенгрок баҳраманд этиш борасида кўлаб ҳайри ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йил ҳам давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан улуг ватандошларимиз — калом илмининг асосчиси Имом ал-Мотуридий ва ислом қонуночилиғи дарғаси Бурхониддин Марғиноний таваллуд тўйлари кенг нишонланади. Уларнинг нодир асарлари ҳозирда ҳам уламо ва фузалоларни хайратга солиб келаятгани бизни буюк ажодларга муносиб бўлишга даъват қилади.

Улуг бобокалонларимиз каторида ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир ва давлат арбоби, ҳазрат Алишер Навоий алоҳида ўрин тутди. Буюк шоирнинг



ташкilotчилари ва иштирокчилари самимий миннатдорлик билдилди. Наврўз минг йиллардан бун яшаб келаятган халқ байрами, бинобарин, бундай томошаларда қадимий анъаналаримизга кўпроқ эътибор бериш зарур. Миллий урф-одатларимиз, фақат ўзимизгагина хос маданиятимиз ва санъатимизни намойиш қилиш Наврўз руҳига жуда мосдир, деди жумладан Президент.

Шу кун байрам тантаналари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллау оромгоҳларда давом этади.



Беход УСМОН,
Муслум НАМОЗ,
(ЎЗА)
Абдувоҳид ТУРАЕВ
олган суратлар.

Соғлом авлод йили

КЕЛАЖАГИ МУНАВВАР ЮРТ

«Соғлом авлод» дастурини рўйбга чиқаришда Навоий вилоятида амалга оширилган ишлар билан танишиш мақсадида Соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлди. Бошқарма бошлиғи Абдурахмон Носиров бу соҳада минтақада маълум ютуқларга эришилганлиги ҳақида гапирди. Масалан, вилоятда кейинги икки йил ичида туғиш пайтида оналар ўлими кайди, этилган. Бир ёшгача бўлган болалар ўлими ҳар миң киши ҳисобига қирк нафарга камайди. Вилоят шифохонасига йўл олди. Шифохона бутунлай қайта таъмирланган. Лойиҳага мувофиқ, 208 миллион сўмлик иш бажарилиши керак. Ҳамма бўлилар Испания гранти ҳисобига қелтирилган энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди. Шослинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий республика марказининг филиали ташкил этилган. Марказнинг очилишига санокли кунлар



лакали, ўз ишининг фидойиси бўлган врачлари она ва бола саломатлигини сидқидилдан ҳимоя қилмоқдалар. Президентимизнинг «Соғлом авлод» дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссияси йиғилишида айтган гаплари, аввало, она, сўнг тиббиёт ходими сифатида таъкидламоқчиманки, қалбимда муҳрланган қолди, — дейди олий тоифали шифокор Х. Ражабова. — Қани, менга айтинг-чи, қайси бир давлат раҳбари соғлом авлод учун бу қадар жон куйдирапти? Она ва боласи соғлом юртининг келажаги мунаввар бўлади, азизларим...

П. ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ ДЗЮДОЧИЛАРИ

Урганч шаҳрида дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамиз вилоятларидан энг кучли спортчилар иштирок этди. Бу чемпионат май ойида ўтказилган Осиё чемпионати олдидан спортчиларимиз учун жиҳдий синов бўлди. Ушбу турнирдаги галаба Сиднейда ўтказилган Олимпия ўйинларига йўлланма беради, — дейди Ўзбекистон миллий тер-

кат жамоаси бош мураббийси Рустам Тураев. — Республика чемпионати якунилари спортчиларимизнинг қитъанинг энг кучли дзюдочилари билан бўладиган беллашууда ўларнинг маҳоратини намоён қилишга тайёрлигини далолат беради. Ўзларининг вази тоифаси бўйича беллашууда Алишер Мухторов, Сергей Петрянин, Андрей Штурбабин, Владимир Штапов, Камол Муродов, Шав-

кат Аҳматкулов, Абдулла Тангриев ва Михаил Соколов Ўзбекистон чемпиони бўлди. Атлантадаги Олимпия ўйинларининг кумуш медали соҳибдори Армен Багдасаров жароҳатлангани туфайли чемпионатда иштирок эта олмади, лекин Японияда ўтказилган Осиё чемпионатида, албатта, қатнашди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 21 мартдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга nisbatан қиймати қиймати-ни белгилади.*/

Table with exchange rates for various countries: Australia dollar 89.39, Austria schilling 10.31, England pound 230.51, Belgium franc 35.16, etc.

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий қийматларни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Оқибат

Юртбошимиз вилоят сайловчилари билан учрашувида Хоразмда ажойиб бир аёнана пайдо бўлаётганлигини, яъни амалий ҳаётга қадим кўзётган ёш келин-куёвлар дўсту ёрлари, яқинлари билан никоҳ қилиши, қадимий ёдгорликларни эъзир қилишларини, бунинг аввало, ўз юртининг муҳаббатидан иборатлигини, диндор бўлаётган ўзгаришлардан фойдаланиши, тўбора очилиб бораётган юрт чиройидан баҳраманд бўлиш рами, деб қабул қилиш ўринли эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Дарҳақиқат, ҳаётини янгилаштириш ва ислохотлар элдошларимиз онгу тафаккурини, маънавиятини янада бойитиб, янгича урф-одатларга асос солимоқда.

Эндиликда мустақил оила қураётган келин-куёвлар учун вилоят марказида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик-мажмуасига ташриф буюриб, фидокор ота-боболаримиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш, халқ қаҳрамони ҳайкали пойига гуллар қўйиш одат тусига кирди, ҳаётини аёнлаштиришга қўйилди. Улар Ватанимиз шон-шавкатини, қўн-қўдратини орттиришга қўйилди. Миллий қадриятларимиз улуғланганлигини

АНЪАНА МЕХРУ МУҲАББАТДАН ТУГИЛАДИ

ни дилдан ҳис этиб, она юртдан фарқланадилар. Унда муносиб фарзанд бўлиш истақлари аланга олади. Хулқар Сапарова ҳамда Йулос Худойбергеновлар қор дараши ёмғир ёғишига қарамай келин-куёвлар аёнанагини бузишмади. Улар жасур ва мард боқалонимиз ҳайкали пойига қўйган гуллар бугунги ёшларнинг меҳр-муҳаббатини, қатъиятини акс эттиргандай эди.

Урганчдаги ўрта мактабларнинг ёш муаллимлари Хосият Эгамберганова ҳамда Бикажон Бежоновалар учун синфдан ташқари машғулотларни ёдгорлик мажмуада ўтказиш, шу ерда тарихдан сабақлар бериш табиий эҳтиёжга айланган. Бундай дарс ҳар қандай кўргазмадан, тасвирий воситалардан устун устувор. Ҳукуматлар билимга ташна ўғил-қизларнинг истак-интилишларини дарров илғаб олишди. Ҳукуматлар ҳам Жалолиддин боболари «қузуринга боришга мудом орзумандлар.

Ҳайратомуз майдонда, беқайс ватанпарвар инсоннинг ҳайкали рўпарасида ўтказилган машғулотлар таъсирчан ва бир умрга унутилмаслиги билан ёшлар қалбидида юртининг муҳаббат, ота-боболар аёнанага садоқат кўраётганлиги ҳаётбахш озақа беради. Эндиликда мажмуага ўз мураббийлари ёки синфдош

дўстлари билан келаётган кўлаб мактаб ўқувчиларини қўриб ҳеч қандай ажабланмайди. Чунки шакланган кўлаб аёнана улуснинг равишида мустақамлашиб бормоқда.

Эзгу аёнана миллат танламайди. Успирин Володя Коломенский ҳамда Артур Лини ҳайкал қошидаги қўйилган сўбат пайтида урнатди. «Бу ёдгорликда ким акс этган?» дея савол берди-юқ кейин бундан ўзимиз жиҳлат бўлди. Улар халқ қаҳрамонининг мардлиги ва жасоратлари ҳақида батафсил маълумотга эга эканлар.

— Юртимизни кўз қорачидайд авайлаб-асраймиш! Артурнинг самимий гапига ишонмаслик, иқдордан тасирланмаслик мумкинми?

Ёдгорлик мажмуасига бола-кайлар ҳам тез-тез келиб туришди. Уйинқароқ, жажоки ўғил-қизлар бирдан катта одамларга ўхшаб жиҳдий тортиб қолсалар, не ажаб. Ахир, мурғак юракларда ҳайрату ҳавас, жасорат кўрсатиш истақлари уйғона бошлади, улғаймасдан бўладими?!

Вилоятдаги олий ҳамда ўрта махсус ўқув даргоҳлари талабаларининг сеvimли жойи ҳам — шу маскан. Хусусан, 1-Тошкент тиббиёт институти филиали ҳамда автомобил-йўл техникуми ёшлари мажмуада ўтказилган тадбирларда фаол қатнаша-

дилар. — Ҳар кунини ўқишга боришда ҳам, ўқушдан қайтишда ҳам улғу бобомиз ҳайкалини зиёрат айлаб ўтаман, — дейди бўлғуси шифокор Нигора Абдуллаева. — Шундай жойини бунёд этганларга миң раҳмат.

Бугун ёдгорлик мажмуасига ташриф буюраётган, ундан завқу шавқ, илком олиб хайрли ишларга чоғланаётган инсонлар сон-санокис. Чунки, ҳуқуқ-тартибот маъсасалари жоддилари, ҳарбийларнинг ўзига хос аёнаналари ҳам қарор топмоқда. Улар Жалолиддин Мангуберди ҳайкали олдига она юртининг қандай галамис ганимлардан мардона ҳимоя этишга, бу йўлда ўз жонларини ҳам аямасликка имон келтирадидлар.

Ёдгорлик мажмуасини ватанпарварлик мактаби деса бўлади, — дейди Иброҳим ота Қўшқов. — У одамларни эл-юрт учун хизмат қилишига ундаб туради.

Янги аёнана Ватанга, тарихимиз, бугунги кунимиз ва келажагимизга меҳру муҳаббат ўйғотди ҳамда ишонимизни тўбора мустақамлайдиреди.

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Қадимдан халқимизда меҳр-шафқат, саховат ва мурувват байрами сифатида қадрланган Наврўз байрами арафасида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятидаги хайрли юмшлар кўлими ҳар қачонгидан ҳам кенгайди. Шу кунларда мажбурий жамиятининг вилоят, туман ва шаҳар бўлиmlари ходимлари кўнгли ярим кишилар, уруш фахрийлари, ёлғиз қариялар аҳолидан хабар олиб, байрам дастурхони атрофида уларга махсус совғалар топширмоқдалар.

фарзандли оилада ўсган 20 нафар талабага махсус ҳисоб рақами очилиб, омонат дастурчалари берилди. Жамиятнинг Хоразм вилояти бўлими эса кекса ва ногирон кишилар уйдаги электротехника жиҳозларини таъмирлашни ўз зиммасига олди.

Хориждаги миллий «Қизил Хоч» жамиятлари билан тузилган қўша дастурлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда Оролбўйи ҳудудлари, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида АҚШ, Дания, Швейцариядан озик-овқат маҳсулотлари инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилмоқда.

(ЎЗА)

2000 йил – Соғлом авлод йили

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига қарашли

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» НЕФТ ВА ГАЗ КОНЛАРИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

халқимизни ушбу кутлув ва ёрув кунларга – Наврўзи оламга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтиб, орзиқиб кутилган улув ва азиз айём билан барча ватандошларни муборакбод этишидан беҳад бахтиёрдир.

Наврўз – яшариш байрамидир. Табиат уйғонса, демакки, одамзод яшаради. Унинг дунёқараши ўзгаради. Чегаки, у табиатдан куч-қувват олади. Му боис биз ушбу айёмни ҳар гал ўзгача совинч ва интиқлик билан қаршилаймиз. Зеро, Наврўз келиши билан бобоқуёш сарҳадсиз юртимиз узра мўл-кўл нур сочади. Нур – ёрувлик ва тинчлик демакдир. Яна Наврўз келиши билан деҳқон ерга урув сочади, бобгон кўчат экиб, гўзал бов яратади. Буларнинг ҳаммаси эътиқодли, меҳнатни олий ибодат деб биладиган, ҳеч қилма ёмонлиги йўқ халқимизнинг эртанги кун орзулари билан яшаётганлигидан, ҳаётнинг абадийлигидан далолатдир. Демак, келаётган Янги йил ҳам барчамиз учун нурли ва саодатли йил бўлажак, иншооллоҳ. Биз бунга қатъий ишонамиз.

АЗИЗ ЮРТАОШЛАР!

Сизларни мана шу янгилашим, поклашим, хайр-саховат айём билан муборакбод этар эканмиз, оилавий фаровонлик, мустаҳкам соғлиқ, озод ва обод Ватанимизни ривожлантириш йўлидаги жамики саъй-ҳаракатларингизга раvнақ тилаймиз.

Илоё, дилбар Ватанимизни гараз кўзлардан Яратганинг ўзи асрасин. Тинчлик гўзал юртимизни асло тарк этмасин.

Наврўзи олам ҳар бир хонадонга сеvimч, тодлик, муҳаббат ва ёрувлик олиб кирсин.

Улув айём барчамизга муборак бўлсин!



Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Ташриф хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худойёров, И. Шогуломов, О. Қанпбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

Рўйхатдан ўзини тартиби № 00001
Буюртма Г — 196. 27017 нусxada босилди,
ҳажми — 2 табақ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета ИВМ компьютерда тартиб ва операторлар
Сергей ЛУКИН ва Жамил ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.
Ташрифийда ҳажми 5 қоғоздан шунд материал-
лар қабул қилинмайдилар.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орплов,
Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов,
Навбатчи — А. Хайдаров,
Муасхих — А. Саггоров.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Копият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босиш-
га тошириш вақти—21.00
Босишга топширилади: 19.20 1 2 3 4 5 6